

*«Ezbuhi ta zamon»*



*Анвар Насозов*

**Тоҳир Малик**  
гурунглари

*«Ёзуври ва замон»*



*Анвар Намозов*

**Тоҳир Малик**  
гурунглари

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2016

УЎК: 821.512.133-83  
КБК 84(5Ў)7  
Н77

Гоя муаллифи **Ашурали ЖЎРАЕВ**

Масъул мухаррир:  
**Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

**Намозов, Анвар.**  
Н77 Тоҳир Малик гурунглари [Матн] А. Намозов. —  
Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2016. — 392 б.

ISBN 978-9943-28-906-2

Ушбу китоб бошқа китобларга асло ўхшамайди. У кечаги, бугунги кун ва келажак хусусида турли мавзуларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Китобда муайян масалалар юзасидан устоз ва шогирднинг турли қарашлари, фикр-мулоҳазалари кенг жой олган. Табиийки, бунда устознинг мушоҳадаларига кўпроқ ўрин ажратилган. Зотан, улкан ҳаётий тажрибага эга адиб олдида шогирднинг бисёр гапириши одобдан ҳам эмас. Сухбатлар эса, асосан, ҳаёт, адабиёт, ижод, таълим-тарбия, ёшлар масаласи, кино, театр, санъат, глобал муаммолар, ҳатто футбол ва ҳазил-мутойибани ҳам қамраб олган.

Китоб сиз, азизларга манзур бўлади, деган умид-дамиз.

**УЎК: 821.512.133-83**  
**КБК 84(5Ў)7**

ISBN 978-9943-28-906-2

© Анвар НАМОЗОВ, 2016  
© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2016

---

## ОЛТИ ЎРИМ СОЧГА — ТҶҮРТ ЗОҒОРА НОН

Шунингдек, жавондаги «етим болалар» хусусида

**А.Н.:** — Тоҳир ака, болалик — ўзгача давр. Эҳтимол, у сира қайтиб келмаслиги билан ҳам қадрлидир. Аммо ўзининг болалигини эслашни истамайдиганлар ҳам топилади. Улар чеккан азоб-укубатларини ёдга олгиси келмайди. Ахир кимдир ота-онасидан етим қолган, ўзгалар қўлида туртиниб улғайган бўлиши мумкин. Бошқаларнинг эса, аксинча, болалиги ота-онаси ардоғида тотли кечиб, кейин ҳаёт уммонида сузишга қийналгани ҳам бор гап. Шу боис, элаганда ғам-қайғуга чўмиб қолади. Аммо нима бўлганда ҳам болалик — беғуборлик. Бу даврни хатлаб ўтиш фақат эртақларда бўлиши мумкин. Сиз билан болалигингиз ҳақида гаплашсак. Ота-онангиз, ака-укаларингиз, қавм-қариндошларингизни ҳам тилга олсангиз.

**Т.М.:** — Бу ҳақда «Пўртанали уммонда сузар ҳаёт қайиғи» асарида батафсилроқ ёзгандек эдим. Китобни ўқиганлардан кўра ўқимаганлар кўпроқдир, деган фикрда саволингизга жавоб қайтараман. Мен оиладаги бешинчи фарзандман. Худога шукр, икки акам, икки опам борлар. Урушдан кейинги оғир кунларда туғилган эканман. Дадам-аямнинг, опаларим ва акаларимнинг ярим оч, ярим юпун ҳолда азобли ҳаёт кечирганларини кейинроқ билганман. Аям, катта акам билан катта опам нон олиш илинжида қишин-ёзин кечаси билан дўкон остонасида навбатда туришаркан. Бу манзара катта авлод учун яхши таниш. Бугун

нонуштада нон танлайдиган, нонни исроф қилаётган авлод очарчилик кунлари ҳақидаги ғамли ҳикояларни катталардан эшитса ҳам, китобларда ўқиб, кинода кўрса ҳам нечундир таъсирланмаяпти, бу борадаги хунук қилиқларидан воз кечмаяпти, мен шунга қуяман. Сиз «болалигини эслашни истамайдиганлар ҳам топилади», деяпсиз. Агар ота-онаси халқнинг лаънати остида яшаб-ўтган бўлса ёки эслашга арзирли воқеа бўлмаса, майли, эсламасин. Лекин машаққатли кунларни кўрганлар бу азобларни эслашлари ва ёшларга сўзлаб беришлари шарт. Мустақиллигимиз байрами арафасида «Ким эдиг-у, ким бўлдик?» деган иборани кўп ишлатдик, тадбирлар ўтказилди. Шунга жавобан: «Бир бурда нонга зор халқ эдик», деб жавоб берсак, айрим дўстларимиз бундан ғашланма-синлар. Бугун, Худога шукр, ҳар бир хонадоннинг дастурхонида нон бор. Дўконларда нон тахланиб турибди. Лекин шу кунларда дунёнинг қанча мамлакатларида миллионлаб одамлар очликдан тиришиб ўляпти? Бу манзарага биз бефарқ қарай олмаймиз. Чунки халқимиз, бизнинг боболаримиз-момоларимиз, оталаримиз-оналаримиз бу дахшатли кунларни бошдан кечирганлар. Иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда бизнинг юртда ҳам қаҳатчилик-очарчилик бўлганини кўп ёшларимиз билмайдилар. Мен турли учрашувларда шу мавзуда сўз очиб, азиз ёшларимизнинг булардан беҳабар эканликларини билиб, айниқса, билишга қизиқмаётганларини англаб изтиробга тушаман. «Оч одамлар кўчаларда ўлиб қолишаркан, шаҳар раҳбарияти ўлик йиғадиган махсус хизмат ташкил қилган экан. Ҳозир ахлат ташийдиган машиналар кўчаларни айлангани каби, ўлик йиғадиган араваларда юришаркан», деганимда ҳам ўтирган ерида лоқайдлик, ҳатто сурбетлик билан сақич чайнаб ўтирган ёшларни кўрганимда баъзан аламдан дод деб юборай дейман.

Анваржон, мавзудан сал четга чиқсам ҳам ўзимнинг болалигимдан эмас, бир онахоннинг болалигидан ҳикоя қилсам. Малика опа Маматқулова 1934 йилда Косонда туғилган эканлар, ҳозир Муборак шаҳрида яшарканлар. Менга ёзган хатларидан айнан кўчираман: «Уруш йиллари отам колхозда аравакаш бўлиб ишлардилар (урушдан яроқсиз бўлиб қайтган эдилар). Ҳар куни колхозчи аёлларни аравага ўтқизиб, далага олиб борадилар ва кечқурун олиб қайтадилар. Марҳаматхон исми аёлнинг сочлари жуда узун ва қалин эди. Отам у кишига: «Опа, сочингизни отга якка жилов қилса, ҳеч узилмайдида», деб ҳазиллашардилар. Уруш, қимматчилик, қатъчилик бошланди. Одамлар нонга зор бўлдилар. Бизнинг қишлоқда очликдан ўлганлар ҳам бўлди. Ҳозиргидек эсимда, апрель ойининг бошлари, бодом қийғос гуллаган. Бизлар шу бодомнинг тагида чой ичиб ўтирибмиз. Марҳаматхон опа қўлларида бир тугун билан ҳовлимизга кириб келдилар ва отамга қараб: «Олинг, Маматкул, сочларимни отингизга яккажилов қилмоқчи эдингиз. Эшон бобонгиз, жиянларингиз уйда оч ётибдилар. Бирор нарса беринг», — дедилар. Отам тугунни очиб, узунлиги бир метрдан узун, қалин, олти ўрим сочни кўриб йиғлаб юбордилар: «Ойим опа, ахир, мен ҳазиллашувдим-ку! Бундай кунлар келишини ким ўйлабди?! Мени кечиринг. Сочларингизни кесиб келмасангиз ҳам сизни курук узатмасдик», — деб нима қиларларини билмай қолдилар ва соч ўримларини бодомнинг устига қаратиб отдилар. Бодомга худди олтита қора илон чирмашиб чиқаётгандек соч ўримлари осилиб қолди. Отам онамга қарадилар. Онам икки килоча тариқ ун ва тўртта зоғора нон бериб, Марҳаматхон опани кўчага кузатиб чиқдилар. Соч ўримлари ёзи билан бодомда осилиб турди. Мен: «Ота, нимага сочларни олмаймиз?» — деб сўраганимда, «Шу соч ўримлари

ёдингиздан чиқмасин. Тўқчилик замонлар келганда ҳам нонни эъзозлаб, кўзингизга суртинг», — дер эдилар. 1972 йили 10-синфга синф раҳбариман. «Нон қадри» деган мавзуда бир соатлик тарбиявий дарс ўтдим. Орадан анча вақт ўтгандан сўнг шу синф ўқувчиси Жумакул Қурбоновнинг «Икки ўрим соч» ҳикояси газетада босилиб чиқди. Ҳикояда юқоридаги воқеа баён қилиниб, «адабиёт ўқитувчимиз айтиб берган эдилар», деб изоҳ берилган. Шу ҳикоя ёзувчининг «Қорақўз» китобига киритилган...

Афсуски, мен бу китобни, ундаги ҳикояни ўқимаган эканман. Мактубни ўқиётиб, бодом шохларида қора илон сингари осилиб турган соч ўримлари, очликдан қалтираб турган бечора аёл кўз олдимда гавдаланди. Мактубнинг давомини ўқий олмадим. Шу воқеани ҳикоя қилиб ёзиш истаги туғилди. Аммо Жумакул Қурбонов томонидан ҳикоя ёзилганини ўқигач, ўзим танимаган бу ёзувчига яхши маънода ҳасад қилдим. Ҳикояни ўқимасам-да, унга тан бердим. Малика опа бу воқеани юзларча одамга айтиб бергандирлар. Лекин мактаб ўқувчисининг таъсирланиши ва қўлга қалам олиши шарафга лойиқдир. Адабиётшунослар бу ҳикояга қандай баҳо беришган, буни ҳам билмайман, лекин қай даражада ёзилганига қарамай, ҳикоя мактаб дарсликларига киритилишини истардим.

Анваржон, сиз грузин киночиларининг кўп фильмларини кўргансиз. Агар шу воқеа уларнинг юртида содир бўлганида гўзал бир фильм яратган бўлардилар. Ҳатто шу воқеа қулоқларига етиб борса ҳам воқеани Грузия қишлоғига кўчириб, фильмни албатта ишлаган бўлишарди. Мен бунга аминман. Улар мағрур халқнинг ғурурини, одамгарчилигини кўрсатишга жуда усталар.

Машҳур болалар ёзувчиси Турсунбой Адашбоевнинг болаликлари ҳам уруш даврига тўғри келган. Турсунбой ака болаликларидаги офир кунлар ҳақида

кўп ҳикоялар айтиб берганлар. Мен улардан фойдаланиб, «Ажаб дунё» деган ҳикоя ёзган эдим. Саксонинчи йилларнинг ўрталарида бир мактаб ўқитувчиси «Нон қадри» мавзuidaги дарсни ўтишда ҳикоянгиздан фойдаланишимиз», деганида жуда қувонган эдим. Шу ҳикоя араб тилига таржима қилинган экан. Фаластин ёзувчиси ўқиб таъсирланибди. Агар Жумакулнинг ҳикоясини ўқиганида янада кучлироқ таъсирланишига ишонаман.

Мавзунини бойитиш учун мархум дўстим шоир Сабриддин Садриддиновнинг болалигини эслай.

Нон дўкони ёнида туни билан навбатда туришни яна кўз олдимизга келтирайлик: ёзми ё қахратон қишми, ёмғирми ё қор бўроними — фарқи йўқ, каттами ё кичикми — фарқсиз, навбатда турилади. Баъзан навбат тартиби сақланиши учун кафтга қаламда рақамлар ёзиб чиқилади. Сабриддиннинг кафтига ҳам рақамни ёзишган. Ўшанда кимёвий қалам бўларди, агар сув тегса қалам сиёҳга айланарди. Ёмғир ёғаётгани сабабли Сабриддин кафтидаги ёзув ўчиб кетмаслиги учун муштумини қаттиқ сиқиб олган. Лекин қўли терлаганми ё панжалари орасидан ёмғир суви сизиб кирганми, ҳар ҳолда ёзув чапланиб, ўчиб кетибди. Тонг отгач, навбат тартиби текширилаётганда Сабриддиннинг кафтида ёзув йўқлигини кўриб, уни навбатдан чиқариб юборишибди. Боланинг зорли ноласига ҳеч ким қулоқ солмабди. Туни билан ёнма-ён турганлар ҳам, кафтига рақам ёзган йигит ҳам «Бунинг навбати бор», демабди. Энг ачинарлиси, Сабриддиннинг отаси — Сабриддин мақсум Тошкентдаги эътиборли уламо-лардан бўлганлар. Шу маҳаллага хизмат қилганлар, чақалоқнинг қулоғига азон айтиш ҳам, никоҳ ёки жаноза ўқиш ҳам шу кишининг зиммасида бўлган. Шунга қарамай, нонга тезроқ етишиш учун битта болани ноҳақдан-ноҳақ навбатдан чиқариб юбориш-



дан ўзларини тия олмаганлар. Садриддин мақсум ўша адолатсиз одамларнинг бирининг қулоғига азон айтганлар, бирининг никоҳини ўқиганлар, йиллар ўтиб жанозасини ҳам ўқиганлар. Жаноза намозидан уларнинг гуноҳини кечиришни илтижо қилиб сўраганлар...

Баъзан «Ноннинг исрофига нисбатан муносабатдан оилаларимиз орасида фарқ борми?» деб ўзимга ўзим савол бераман. Бир оилада суви қочган нон пўчоққа ташлаб юборилади, иккинчисида бунинг катта гуноҳ эканини билиб, исрофга йўл қўйилмайди. Тўқинлик замонида яшаётганимиз учун нонни исроф қилишдан уялмайдиган, гуноҳидан қўрқмайдиган бўлиб қолганмиз. Бу гуноҳ ишларга қишлоққа нисбатан шаҳарда кўп дуч келамиз. Оиладаги гўдак ҳам, ўсмир ёки эрта-индин узатиладиган қиз ёки уйланадиган йигит ҳам дастурхон устидаги нонни ушлаб кўради. Салгина суви қочган бўлса, «янгиси йўқми?» деб сўрайди. Баъзан нон бўлаклари, баъзан бутун-бутун нонлар моғорлаб кетади. Пўчоққа ташланади. Маҳаллаларда чорваси бор хонадонлар мол-қўйга берадилар. Кўп қаватли уйларда эса ахлатга ташланади. Мана шу ҳол «нонқўрлик» дейилади. Ким нонни хор қилибди, Худо уни бир тишлам нонга зор қилиб қўйишидан қўрқсин.

Бугун нонни қадрламаётганимизнинг икки сабаби бор: биринчиси — дастурхонимиз тўқин. «Тўқликка — шўхлик» деганларидай, дастурхонимиз ҳамиша шундай бўлади, деб ишонамиз. Иккинчиси — фарзанд тарбиясида нонни қадрлаш, уни исроф қилмаслик масалалари тушиб қолган. Болалигимизда ноннинг ҳатто ушқини ҳам қадрлаш лозимлигини уйда ота ва онамиздан ҳам, кўчада бегоналардан ҳам эшитардик. Фақат уйда эмас, ҳатто кўчада кимдир тушириб кетган ушқини кўрсак, олиб, чангини пуфлаб, ўзини кўзга суртиб сўнг ейишни тайинлашарди. Ҳозир

уйдаги дастурхондан бир бўлак нон гилам устига тушиб кетса, олиб ейилмайди, аксинча, пўчоққа ёки ахлат челакка ташланади. «Нон ушорини олмай босиб ўтсанг кўр бўласан», деб таъкидлашарди. Кўрлик жисмонан эмас, маънавий жиҳатдан эканини кейинроқ тушуниб етдик. Ҳозирги азиз ёшларимизчи, буни англайдиларми?

Еб-ичиш — гуноҳ эмас. Исроф қилиш гуноҳ. Афсуски, баъзи кишилар еб-ичишнинг хилма-хил ва кўп бўлишини ҳаётнинг асосий мезони деб биладилар. Бизда «озиқ-овқатни исроф қилиш» деганда емай, ташлаб юборишни тушунадилар. Бу аслида тўғри, аммо керагидан ортиқ ейиш ҳам исрофдир. Еб-ичиш керак экан, деб қорин бандаси бўлиш ҳам мусулмонга муносиб эмас. Ҳозирги кўп касалликларнинг келиб чиқишига ана шу исрофгарчилик сабаб бўлмоқда.

Фақат нон эмас, овқатлар ҳам исроф бўляпти. Бир киши «қотган нон, ачиган овқат исроф бўлмайди, молга берилади», дейди. Ҳа, шундай ҳоллар бор. Бироқ, биринчидан, молга берилмай, ахлатга ташланаётган нон ва таомлар озми? Иккинчидан, нон ва овқат инсон учун берилган неъмат! Молу қўйнинг насибаси, емиши бошқа. Шундай экан, унутмаслик керакки, ким исрофдан тийила олса, бошқаларга муҳтож бўлмай яшайди. Исрофнинг энг хурмати оилаларни бузгани, энг бой уйларни вайрон қилгани, энг юқори мансаблардан тубан туширгани, энг шухратли ному насабга эга бўлганларни хорзор қилганига тарих гувоҳ. Шу сабабли исрофдан сақланиш, ҳар бир ишда тежам ва иқтисодга риоя қилиш борасида кўп даъватлар қилинади.

Анваржон, кўчадаги таомхоналарда ўтирган ёшларнинг хатти-ҳаракатларини кузатганмисиз? Бир куни мен давра қурган қизларга кўзим тушиб қолди. Қизлар овқатларини еб бўлишгач, бир тўғрамдан нон олишиб, бўёқлари чапланган лабларини артиш-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2870> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2870> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/2870>